O'ZBEKISTON
RESPUBLIKASI
MILLIY KITOB PALATASI

Ислом КАРИМОВ:

ЭРТАНГИ КУНИМИЗ ФАРОВОН БЎЛСИН ДЕСАК, ТАРАҚҚИЙ ТОПГАН ДАВЛАТЛАРДАН КАМ БЎЛМАСДАН ЎЗИМИЗНИНГ ОРЗУ-МАҚСАДИМИЗГА ЭРИШМОҚЧИ БЎЛСАК, БОШЛАГАН ИШЛАРИМИЗНИ ИЗЧИЛ ДАВОМ ЭТТИРИШИМИЗ ЗАРУР.

O'ZBEKISTON OVOZI

2000 ЙИЛ
22 ФЕВРАЛЬ,
СЕШАНБА

№ 23 (25.573).

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASINING SIYOSIY-IJTIMOIY GAZETASI

GAZETA 1918 YIL 21 IYUNDAN CHIQA BOSHLAGAN

«JICA» МЕҲМОНЛАРГА МУНТАЗИР

Япониянинг халқаро ҳамкорлик агентлиги «JICA» миллий кадрлар тайёрлаш борасида Ўзбекистонга фаол кўмак бериб келмоқда. Тошкентда ўз ваколатхонасини очган мазкур агентлик дастурлари бўйича ҳар йили ёш ўзбек мутахассислари Японияда ўқиш ва малака ошириш имконига эга бўлмоқдалар. Яқинда Япония ҳукумати ҳар йили Ўзбекистон Республикасининг 20 нафар вакилини Япония университетларида таълим олиш бўйича лойиҳа учун 127 миллион иен миқдорида беғараз ёрдам ажратиш тўғрисида қарор қабул қилди.

«JICA» агентлиги томонидан ташкил этилган ёшларнинг 20 кунлик ўқув дастури доирасида беш нафар ҳамюртимиз яқинда Япония сафарида бўлиб қайтди. Ташриф давомида дастур иштирокчилари мамлакат тарихи, япон халқининг маданияти, анъаналари ва урф-одатлари билан бевосита танишишга мушарраф бўлдилар. Чунончи, улар дастурга кўра уч кун давомида япон оилаларида яшаб японларнинг ҳаёт тарзи анъанавий ўзбек оилаларидаги сингари эканлигини ўзлари учун кашф этдилар.

1945 йилда атом бомбасининг барча даҳшатлари ва оқибатларини ўзида ҳис этган Хиросима шаҳрининг хотира музейига ташриф буюриш дастур қатнашчиларида чуқур таассурот қолдирди.

—Мен Хиросима фожиаси ҳақида илгари фақат телекўрсатувлар ва китоблар орқали воқиф бўлган эдим, — дейди Ғофуржон Усмонов.—Аммо бу ерда ўз кўзимиз билан кўрганларимиз бизни қаттиқ ларзага солди. Музейни томоша қилиш чоғида кўпчилигимиз атом бомбаси қурбонлари ўйидаги маъюс эҳтиролар ва аламли кўз ёшларимизни яшира олмадик. Биз барчамиз ядро қуролининг тарқалиш хавфи ва ундан фойдаланиш оқибатларини теран англаймиз. Мамлакатимиз Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд барпо этишнинг ташаббускоридир ва биз шунга амин бўлдикки, япон халқи Президентимиз И. Каримов томонидан илгари сурилган мазкур ташаббусни тўла қўллаб-қувватлайди. Хиросима тақдири бутун инсониятга сабоқ бўлиши даркор!

Ёшлар дастурининг якуний учрашувида сўзга чиққан «JICA» агентлигининг ўқув масалалари бўйича ижроия директори Такеши Имазу мазкур дастур аввало Марказий Осиё ва Монголия ёшлари билан кун чиқар мамлакати ёшлари ўртасида яқиндан алоқалар ўрнатиш, япон халқининг анъаналари ва урф-одатлари билан таништириш мақсадини кўзлаганини қайд этди.

—Ушбу дастурни ташкил этиш орқали биз мамлакатларимиз ўртасида муштарак жиҳатларга эътиборни қаратиш ҳамда Буюк ипак йўли давридан буён мавжуд дўстлик анъаналари, савдо-иқтисодий ҳамкорлик ва маданий алоқаларни янада ривожлантиришга интиламиз, — деб таъкидлади директор.

■ **Музаффар ЗОҲИДОВ,**
«Жаҳон» АА мухбири
Токио.

ЎЗБЕКИСТОН НОЗ-НЕЪМАТЛАРИ МОСКВАЛИКЛАР ДАСТУРХОНИГА

Тошкент вилояти деҳқон ва фермер хўжаликлари ассоциацияси делегациясининг Москвага ташрифи жуда самарали ўтди.

Россия пойтахтининг озиқ-овқат бозори бой ва ранг-баранг бўлиб, у ерда картошкадан тортиб экзотик маваларгача сотиб олиш мумкин. Лекин сўнгги пайтларда москваликларнинг кўпи ўзбек замини ноз-неъматларини соғиниб қолишган, уларнинг денгизорти мамлакатлари мевалари сунъий мазасидан сезиларли фарқ қилувчи беқиёс мазасини ҳали ҳам эслашади.

Яқинда ўтказилган сўровлар москваликларнинг 60 фоизи сифатли ўзбек қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини хуш кўришларини кўрсатди.

Ҳозирги вазият аста-секин яхшиланмоқда — ўзбек деҳқонлари ва россиялик истеъмолчилар ўртасида узилиб қолган алоқалар ҳар иккала томон фойдасига кўра қайта тикланмоқда. Ўтган йилнинг декабрь ойида бўлган «Оптпродинвест-99» учинчи халқаро ихтисослаштирилган кўргазмада Ўзбекистоннинг мева ва сабзавотларига доимо талаб катта бўлган Москва ҳамда Россия Федерациясининг бошқа кўплаб ҳудудларига ўз маҳсулотларини етказиб бериш бўйича ўнлаб шартномалар имзолагани фикримизнинг тасдиғидир.

Россия озиқ-овқат бозорини забт этиш, бу ерда ўз иштирокимизни кенгайтиришга муайян ишлаб чиқарувчилар даражасидаги алоқалар туфайли эришиш мумкин. Шу мақсадда Тошкент вилоятининг 14 та фермер хўжалиги раҳбарлари деярли бир ҳафта давомида Москвада бўлдилар. Фермерларимизнинг фойдали музокаралари Москва мэрияси бўлинмаларида; озиқ-овқат ресурслари, истеъмол бозори ва хизматлар департаментларида, жамоатчилик ва минтақаларо алоқалар қўмитасида бўлиб ўтди. Янада аниқроқ музокаралар Россиянинг кўплаб минтақаларини озиқ-овқат билан таъминловчи «Мосрегионторг» давлат бирлашма корхонаси раҳбарияти билан ўтказилди. «Мосрегионторг» фақат Москванинг ўзида 5 минг дўкондан иборат тармоққа эга, 110 та улгуржи ва турли бозорлар билан иш юргизади.

Делегация аъзоларининг шаҳарнинг энг йирик улгуржи бозорларидан бири — «Отрадное» маъмурияти билан учрашуви ҳам фойдали бўлди. Тошкентлик фермерлар бозорнинг инфратузилмаси ва коньюктураси билан танишдилар, омборхона ва савдо бинолари ижараси бўйича шартномага «Садовое» улгуржи бозори раҳбарияти билан ҳам эришилди.

Тошкент вилояти фермер хўжаликлари ассоциацияси делегациясининг ташрифи ўзбек қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари учун янги истиқболларни очиб берди. Тошкентликлар Ўзбекистоннинг бошқа вилоятларидаги ҳамкасбларига амалий ташаббус ва тадбиркорликда ўрнак кўрсатдилар ва улар бундан хулоса чиқаришларига умид қиламиз. Ҳозирча эса Москва дўконларида ўзбек деҳқонлари етиштирган карам, узум ёки гилосдан кўра океан ортидан келтирилган бананларни сотиб олиш осонроқ. Россиянинг улкан озиқ-овқат бозорида мавқеимизни қайта тиклаш вақти келди...

■ **Олег ШАТУНОВСКИЙ,**
«Жаҳон» АА мухбири
Москва.

Шавкат АКРАМОВ олган сурат

ЙИЛ ОЙ КУН

БУХОРО ТОЛАСИГА ЮҚОРИ БАҲО



Миллий ифтихоримиз бўлган пахтамиз туфайли Ўзбекистонни жаҳон танимоқда. Бунда бухоролик пахтакорларнинг ҳам муносиб улуши бор — деб ёзади мухбиримиз **Даврон Баҳронов**. Бултур вилоят деҳқонлари етиштирган 404 минг тонна «оқ олтин» тармоқ корхоналарида қайта ишланиб, хорижлик ҳамкорларга етказиб берилаяпти.

— Бултур пахтани қайта ишлаш эвазига 127 минг 177 тонна тола тайёрланди, — дейди вилоят «Пахтасаноатсотиш» акционерлик бирлашмаси раиси Мурод Умаров. — Хорижга 121 минг 483 тонна тола экспорт қилинганди.

Ҳа, Бухоро толасига чет элдан харидор кўпаймоқда. Айниқса, Швейцария, АҚШ, Жанубий Корея, Бельгия, Италия, Англия, Болгария, Голландиядаги тўқимачилар Бухоро толасига юқори баҳо бермоқдалар.

ЯНА «ХАММЕР» ЛАР КЕЛТИРИЛДИ



20 февралда АҚШ Ҳарбий-ҳаво кучлари самолёти мамлакатимиз пойтахтига Америка Қўшма Штатлари ҳукумати томонидан юборилган яна тўртта «Хаммер» русумли автомобилни олиб келди деб хабар беради **«Жаҳон» ахборот агентлиги.**

Аввал хабар қилинганидек, Тошкентга мазкур турдаги автомобилларнинг дастлабки қисми келтирилган эди. Ушбу воқеа Ўзбекистон — АҚШ ҳарбий-техника соҳасида, шу жумладан, «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастури доирасида ривожланиб бораётган ҳамкорликнинг ёрқин ифодаси бўлди.

ҚУЛАЙЛИК

Мутахассисларнинг айтишича, Олтинсой туманидаги «Хўжаипок ота» тоғ ён бағридан оқиб чиқаётган олтингургутли сув тери касалигига яра, турли тошма ва бошқа касалликларга шифо экан. Мухбиримиз **Абдумалик Ҳайдаров**нинг хабар беришича, зиёратга келувчилар йўлнинг уйдим-чуқур, ёзда тупроқ ва қишда лойлигидан қайналмайдиган бўлишди. Марказдан зиёратгоҳгача бўлган 12 километрли йўл таъмирланди, 6 километри эса қайта қурилди. Янги кўприк бунёд этилди. Шунингдек, бу ерда барпо этилаётган 100 ўринли санаторийда ҳам қурилиш ишлари изчил давом эттирилмоқда.

«ҚИШ ЎЧОҒИ ТОР, ТУР УЙИНГГА БОР»

Навоий вилояти бўйича мухбиримиз **Музаффар Шароповнинг** ёзишига қараганда, Қизилтепа туманида бу нақл бугунги кунда истеъмолдан чиққан. Гап шундаки, «Варозун» жамоа хўжалигида фойдаланишга топширилган газ тақсимлаш станциясида иш бошланиши билан минглаб хонадонларга нур ва қўр кирган. Гап шундаки, қишнинг сўнгги ойида «Зарметан», «Варозун», «Бухоро» жамоа хўжаликлари хонадонлари ўчоғида зангори олов гуруллай бошлаган. Хориждан келтирилган асбоб-ускуналар билан созланган бу тақсимлаш станциясини ишга туширишда вилоят газлаштириш бошқармаси муҳандис-мутахассислари бош-қош бўлишди. Эндиги ният яна 2 та ана шундай станцияни қуриб одамлар оғирини енгил қилишдан иборат.

МАКТАБ — ҲОМИЙЛАР ЭЪТИБОРИДА

Бухоро вилоятида мактаблар кунининг жорий этилиши соҳадаги кўпгина муаммоларнинг ҳал этилишини таъминлаяпти. Биргина 55 та умумтаълим мактабига эга бўлган Ғиждувон туманида, айниқса, бу яққол ўз аксини топди. «Ўзавтойўл» давлат акциядорлик концерни, Ғиждувон ип йигирув ва тўқув фабрикаси, «Барака» фирмаси каби ҳомий ташкилотлар ёрдамида тумандаги 19, 49, 9-мактабларда иккита синф замонавий «Пентум» компьютерлар тўплами билан таъминланди, синфхоналар таъмирдан чиқарилиб, газлаштирилди.

■ **Ўз мухбиримиз**

ТАҲРИРСИЗ ХАТ

«ГАП ГЕКТАРДАМИКАН?»

«Биз сизларга бошлаган хайрли ишимиз турли маъмурий тўсиқларга дуч келганлиги боисидан илтимос билан мурожаат қилаётирмиз.

Биз, 12 фермер хўжалиги, яъни «Хошим», «Абдушукур», «С. Қабул», «Комилжон», «Мулла ота», «Хушнуд сардор», «Сотип чўпон», «Барс» «Машарипбек», «Анабиби», Исломхўжа, «Собир оток» фермер хўжаликлари республика Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йили 3 июлдаги деҳқон (фермер) хўжаликларини янада мустаҳкамлаш ва республикада ишбилармонлик фаолиятини давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги қарори, шунингдек, Хоразм вилояти Урганч тумани ҳокимининг 1995 йил 25 августдаги 516-қарори асосида тумандаги Ш. Зарипов номли паррандачилик ҳиссадорлик жамияти таркибида ҳар биримиз тасарруфимизга 3 гектар ер олиб иш бошлаган эдик.

Шундан бери фермер хўжаликлари шартнома топшириқларини муттасил равишда ошириб бажариб, ишлаб чиқариш рентабеллигини таъминлаб келишмоқда. Чунончи 1998 йили Исломхўжа фермер хўжалиги юқори ҳосил етиштириб, ишлаб чиқариш рентабеллигини 24 фоизга етказиб, 69968 сўм соф фойда олди. Шунингдек, «Собир оток» фермер хўжалиги 62730 сўм, Комилжон фермер хўжалиги 56432 сўм, «Сотип чўпон» фермер хўжалиги 23135 сўм соф фойда олди. Бошқа хўжаликлар ҳам йилни дуруст натижалар билан якунладилар.

Бироқ нима бўлдию 1998 йилнинг сентябрь ойида Урганч тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари Р. Зойиржонов раҳбарлигида паррандачилик ҳиссадорлик жамиятига махсус комиссия келиб аттестация деган масала кун тартибига қўйилди. Ишимизнинг чаппасига кетиши шундан бошланди.

Орадан бир неча кун ўтгач, кутилмаганда қўлимизга туман ҳокимининг 1998 йил 14 сентябрда қабул қилинган 381/1 сонли қарорини тутқазишди. Унда бизнинг аттестациядан ўта олмаганлигимиз, шу сабабга кўра фермер хўжалиги ўз кучини йўқотганлиги, тасарруфимиздаги ерларни қайтариб беришимиз шартлиги қайд этилган эди.

Шунингдек, «Фермер хўжаликлари тўғрисида»ги Қонунда фермер хўжалиги тасарруфидаги ер 10 гектардан кам бўлмаслиги керак, деган фактни ҳам важ қилиб кўрсатишди. Ҳолбуки, 1992 йилги қарорда фермерларга бериладиган ер 3 гектаргача деб кўрсатилган, шу боис ҳар биримизга 3 гектардан ер 10 йил муддатга шартнома асосида берилган эди.

Шу тариқа фермер хўжаликларини такомиллаштириш, деҳқонни ерга янада яқинлаштиришга қаратилган қарорни бу ерда аввалдан иш олиб бораётган фермер хўжаликларини тугатиш деб тушунишди.

Аслида гап 10 гектарда ҳам эмас, гап 10 гектарда бўлса, 10 гектар ерда ишлашга ҳам тайёрмиз. Бунинг тагида бошқа бир сир бор. Сабаби, шу пайтгача фаолият кўрсатиб, 2,6 гектар майдонда деҳқончилик қилаётган «Арслон», 8 гектар ерда деҳқончилик қилиб келаётган «Сулаймон» фермер хўжаликларига гектарлар ҳажми ҳақида лом-мим дейилмади, улар тугатилгани йўқ. Шунингдек, аттестациядан ўтолмади, дея биз билан баравар фаолияти тўхтатилган «Анвар» фермер хўжалиги орадан сал вақт ўтмасдан сирли равишда тасарруфига 3 гектар ер берилиб, яна қайта ташкил этилди.

Буларнинг ҳаммаси паррандачилик ҳиссадорлик жамияти маъмуриятининг ерларни қандай қилиб бўлса-да биздан тортиб олиш учун қўллаган тадбиридан бошқа нарса эмаслигини кўрсатиб турибди.

12 фермер хўжалиги — 12 оила. Ҳар бир оилада 7-8 нафар жон бор. Айрим оилаларда бундан ҳам кўп. Ер тортиб олингач, тирикчилик манбаидан ажралиб, мушкул аҳволда қолдик. На еримиз бор, на бошқа бирон иш билан таъминлашди.

Ҳурматли муҳаррир!

Бизнинг тирикчилик манбаимиз бўлган еримизни қайтиб олишимизда мададингизга муҳтожмиз. Ишлаш имконияти яратилса, биз бундан буён ҳам замин саховатини ошириш юзасидан ўзимизга боғлиқ барча чора-тадбирларни кўраверамиз.

Сизга ҳурмат билан собиқ фермерлар», дея мактуб йўллабди бизга собиқ ўн икки фермер.

■ **Юсуф ЖЎРАЕВ,**
тайёрлади

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2000 йил 22 февралдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади*

1 Австралия доллари	90,92
1 Австрия шиллинги	10,32
1 Англия фунт стерлинги	231,02
10 Бельгия франки	35,20
1 Голландия гульдени	64,43
10 Греция драхмаси	4,26
1 Дания кронаси	19,07
1 БАА дирхами	39,13
1 АҚШ доллари	143,73
1 Миср фунти	41,90
10 Испания песети	8,53
100 Италия лираси	7,33
1 Канада доллари	99,14
1 Хитой юани	17,36
10 Люксембург франки	35,20
1 Малайзия рингити	37,83
1 Германия маркаси	72,60
1 Польша злотийси	35,04
1 СДР	193,66
1000 Туркия лираси	0,26
1 Финляндия маркаси	23,88
1 Франция франки	21,65
1 Швейцария франки	88,54
1 ЕВРО	141,99
10 Жанубий Корея вони	1,27
10 Япония иенаси	12,97
1 Россия рубли	5,00
1 Украина гривнаси	25,71

***)Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.**

ПАРТИЯ ВА ҲАЁТ

ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ — УМУМХАЛҚ ИШИ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг мамлакатимизда мустақилликни мустаҳкамлаш, ҳар бир соҳада, шу жумладан миллий хавфсизликни ишончли таъминлаш эзгу-мақсадлари йўлидаги саъй-ҳаракатлари унинг янги таҳрирдаги Дастурида ўз ифодасини топгандир:

«Ўзбекистон Халқ демократик партияси мустақил Ўзбекистоннинг тинчликсевар ташқи сиёсатини юқори баҳолайди, айни пайтда, миллий хавфсизликни ишончли таъминлашни долзарб вазифа, деб ҳисоблайди».

Табиийки, мамлакатимиздаги мавжуд барча партияларнинг ғоявий-сиёсий йўлини белгилаб берган Дастурларида ҳам Ватанимиз чегараларининг дахлсизлигини сақлаш, давлатимиз тинчликсевар ташқи сиёсатини қўллаб-қувватлаш, она юртимизда тинчлик осойишталик бўлишига эришиш, миллий хавфсизликни таъминлаш мақсадлари баён этилгани, шубҳасиздир.

Шундай экан, мазкур партияларнинг ўзлари танлаган йўлдан оғишмай бориб, чинакам рақобатли оппозицион кучга айланиши учун шарт-шароитни таъминлайдиган тинчлик-осойишталик, миллий хавфсизликнинг сув ва ҳаводек зарурлигини англаб шу йўлда кучларни бирлаштириб, ўзаро ҳамкорликда жўшқин фаолият кўрсатишлари айни муддаодир. Ўзбекистон Халқ демократик партияси ўз ғоявий-сиёсий фаолияти йўналишида миллий хавфсизликни таъминлашни, умумдавлат ва умумхалқ иши деб билади. Шунга кўра, ЎзХДП нинг барча вилоят Кенгашлари томонидан олиб борилаётган ишларнинг марказида ҳам мамлакатимиз ҳудудида осойишталикни, миллий хавфсизликни таъминлаш вазифаси ва мақсади туради.

Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят Кенгаши олиб бораётган ташкилий-ғоявий ишлар, қолаверса унинг таркибидаги шаҳар ва туман партия ташкилотлари фаолиятларида асосий эътиборни минтақамизда тинчлик-осойишталикни, миллий хавфсизликни таъминлашга қаратаётгани табиий ҳолдир. Айниқса, Тошкент вилоятининг Ангрен ва Бекобод шаҳарлари, Бўстонлиқ ва Бекобод туманлари қўшни давлатларга чегарадош сифатида миллий хавфсизликни таъминлаш заруриятига эга ҳудудлардандир. Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов таъкидлаганидек, «давлат чегараларини қўриқлаш ва ҳимоя этишга қаратилган бутун тизим мамлакатимизнинг ҳудудий яхлитлигини сақлаши, бузғунчи-террорчи гуруҳлар ва қўпорувчи унсурларнинг сарҳадларимиздан ўтишига йўл қўймаслиги, Ўзбекистоннинг иқтисодий ва бошқа манфаатлари ҳимоясини таъминлаши шарт».

Пойтахт вилояти ҳудудида 40 мингга яқин ХДП аъзоси бўлиб, улар касбкори, мутахассислиги, жинси, миллати, ёши турлича бўлган жамиятимиз фуқароларидир. Уларнинг кўпчилигини ёшлар ташкил этади. Хусусан, Ангрен шаҳридаги 2475 нафар ХДП аъзосидан 1109 таси аёллардир.

Ангрен шаҳар Кенгаши партия аъзолари билан биргаликда маҳаллий ҳудудларда миллий хавфсизликни сақлаш борасида қатор тадбирлар ўтказиб келмоқда. Жумладан, шаҳар ХДП фаоллари томонидан ёшларга диний экстремизм, террорчилик ҳаракатларининг салбий оқибатлари, уларнинг олдини олиш чоралари тўғрисида тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Шаҳарда ҳар томонлама тайёргарликка эга бўлган ички ишлар бўлими, Ангрен шаҳар халқ таълими бошқармаси ходимлари, маҳалла оқсоқоллари ҳамда бошқа турли ташкилотлардан ташриф буюрган мутасаддилар иштирокида миллий хавфсизликни таъминлаш муаммоларига бағишлаб ўтказилган махсус йиғилиш партия фаолларининг бу долзарб паллада олиб бораётган амалий ишларининг дебочасидир.

Ушбу анжуманда Халқ демократик партияси Ангрен шаҳар Кенгаши биринчи котиби (Бахтиёр Йўлдошев) миллий хавфсизликни таъминлаш борасида барча кучларни бирлаштиришга, бундан буён ҳам ана шундай тадбирларни ўтказиш фойдали эканлигини билдирди.

Тошкент вилоятининг Бекобод тумани ҳамда Бекобод шаҳрида миллий хавфсизликка, айниқса, жиддий эътибор берилиши лозим. Тожикистон Республикаси чегарасига яқин мазкур шаҳар ва туман ҳудудида яшовчи барча аҳоли миллий хавфсизликни сақлаш ўзлари учун нақадар аҳамиятли эканлигини яхши ҳис қилишади. Шу боисдан ҳам ҳокимият вакиллари, ишлаб чиқариш ташкилотлари, савдо шаҳобчалари, «Камолот» ҳамда «Соғлом авлод» жамғармалари, ўқув масканлари ва бошқа муассасаларнинг ходимлари бу долзарб муаммога алоҳида эътиборни қаратиб, диний экстремизм, террорчилик ҳаракатларининг пайини қирқиш, гиёҳванд моддаларнинг қўшни давлатлардан олиб ўтилишига йўл қўймаслик чора-тадбирларини биргаликда ҳал этишда сафарбарлик эълон қилганлар. Бекобод шаҳри ва туманидаги 4 мингдан зиёд ХДП аъзолари ҳам турли оқимдаги қора кучларга нисбатан аёвсиз курашда ўзларининг муносиб улушларини қўшиб келмоқда. Маҳаллий кенгашларнинг фаол ходимлари мамлакатимиз тараққиётини белгилаб берувчи ислоҳотларнинг туб моҳиятини, шу жумладан, миллий хавфсизликни таъминлаш борасидаги чуқур ғояларни аҳолига, айниқса ёшлар онгига етказишда маънавий-маърифий тадбирлар ўтказишда баҳоли қудрат хизмат қилмоқдалар. ЎзХДП аъзоларининг долзарб мавзулардаги чиқишлари, мақолалари шаҳар ва туман радиоси ҳамда «Бекобод овози», «Бекобод ишчиси» газеталари орқали кенг ёритилмоқда.

Бўстонлиқ туманининг экологик муҳитини Швейцарияга қиёслашади. Она табиатнинг саховати билан яратилган виқорли тоғларга, ажойиб боғларга, ям-яшил ўрмонзорларга, жонларга дармон оби-ҳаёт чашмаларига бой масканга кимларнинг ҳам ҳаваси келмайди, дейсиз. Бу ажойиб ҳудудда яшовчи аҳоли ўз киндик қони тўкилган Бўстонлиқни жондан ортиқ севади ва унинг сарҳадларини кўз қорачиғидай сақлаш ҳаётларининг маъноси эканлигини ҳам чуқур англайди. Аҳоли орасида турли сиёсий партияларга аъзо бўлган фуқаролардан кўпчилиги ХДПга мансубдирлар.

Бўстонлиқ тумани ХДП Кенгаши, партияга аъзоларни кўплаб жалб этишга ҳаракат қилаётганлиги сабабли, уларнинг умумий сони бугунги кунда 3720 кишини ташкил этади. Табиатга ошуфта халқнинг маънавиятга чанқоқлиги ҳам кучли бўлади. Биз буни Оллоҳ назари тушган бўстонлиқликлар ҳаётида ҳам кўрамиз. Маънавий-маърифий ишларни кенг миқёсда ўтказиб келаётган туман кенгаши ходимлари партия аъзолари ёрдамида маҳаллий аҳолига Юртбошимиз бошчилигида олиб борилаётган ички ва ташқи сиёсатни, шу жумладан миллий хавфсизликка таҳдид солувчи барча салбий ҳолатларни суҳбат, маъруза, мулоқотлар орқали тушунтирмоқдалар. Маҳаллий матбуот — «Бўстонлиқ овози» газетасида, радиода долзарб мавзуларда эълон қилинаётган мақолалар ва чиқишларда ҳам ХДП аъзоларининг ўз овозлари бор.

Умуман, жонажон Ватанимизда тинчлик ва осойишталикни сақлаш, миллий хавфсизликни таъминлаш ҳар қачонгидан кўра долзарб вазифага айланди. Шу сабабли ҳам, Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят Кенгаши ўн бешта туман ва олтита шаҳар ҳудудларидаги партия ташкилотлари билан узвий боғланган ҳолда миллий хавфсизликни таъминлаш мақсадларига қаратилган чора-тадбирлар ўтказишга алоҳида эътибор бермоқда. Бироқ, бу долзарб вазифани адо этишда ҳанузгача талайгина муаммолар борлигини ҳаётнинг ўзи яққол кўрсатмоқда.

Бизнингча, кундалик ҳаётимизда долзарб бўлиб қолган хавфсизлик масалаларини самарали ҳал этишда қуйидагиларга аҳамият бериш мақсадга мувофиқ бўларди.

— Аҳоли, ота-оналар, ёшлар ўртасида маънавий-маърифий ишларни янада кучайтирган ҳолда, вилоят радиоси ва телевидениеси имкониятларидан, матбуот саҳифаларидан кенг миқёсда фойдаланиш;

— барча ўқув юртларида халқ университетлари ташкил этиш ва уларнинг машғулотларига юксак савиядаги ўқитувчи-устозларни, иқтисодчиларни, сиёсатшуносларни, психологларни, ҳуқуқшуносларни, педагог-олимларни жалб этиш;

—маҳаллаларда, қишлоқ фуқаролари йиғинларида тарғибот-ташвиқот ишларини жонлантириш, чинакам ватанпарвар ёшлардан жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлашда «Чегара посбонлари», «Маҳалла посбонлари» гуруҳларини ташкил қилиш ва уларнинг куч имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш;

—мамлакатимизда тинчлик ва осойишталикни сақлаш, миллий хавфсизликни таъминлаш жонажон Ўзбекистонимизда яшаш бахтига муяссар бўлган кишиларнинг муқаддас бурчи эканлигини доимо қалбан ҳис этган ҳолда, фидойилик кўрсатишдан иборатдир.

■ Абдуманноб ТОЖИЕВ,
Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят Кенгашининг тарғиботчиси.
Соҳибжон САЛИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

МУҲИМ АНЖУМАН

Наманган вилоят ҳокимлигида тадбиркору ишбилармонлар учун кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга бағишлаб илмий-амалий анжуман ташкил этилди.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети қошидаги малака ошириш олийгоҳининг бир гуруҳ олимлари иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, ўрта ва кичик бизнес муаммолари ечими ҳақида назарий йўл-йўриқлар, маслаҳатлар бердилар. Қизғин баҳсга айланган савол-жавоблар бўлди.

■ Маҳмуджон ПАРПИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

ШАҲРИХОН ТУМАНИ ҲОКИМЛИГИ:

Шаҳрихон туманидаги «Ўрта Шаҳрихон» қишлоқ фуқаролари йиғини ҳудудида яшовчи фуқаро Маматхонова Кимёхон экиб фойдаланиш учун қўшимча ер олишга ёрдам беришни сўраб таҳририятга мурожаат қилган.

Ушбу ариза туман ҳокимлигининг қишлоқ ва сув хўжалиги бўйича бош мутахассиси С. Ғуломов, ер кадастри бўлимининг бошлиғи F. Тошматов, «Ўрта Шаҳрихон» қишлоқ фуқаролари йиғини раиси З. Сатторов, Отахонов номли жамоа хўжалиги ҳисобчиси М. Каримов ва аризачи иштирокида жойига бориб ўрганилди.

Ўрганиш жараёнида қуйидагилар аниқланди.

«Ўрта Шаҳрихон» қишлоқ фуқаролар йиғини қишлоқ хўжалик китобининг 618-бетидаги маълумотга асосан аризачи Маматхонова Кимёхоннинг қарамоғида ўғли Маматхонов Дилмурод (1978 йилда туғилган), қизи Маматхонова Манзурахон (1981 йилда туғилган) ҳамда экин экиб фойдаланиш учун 0,15 гектар томорқа ер майдони борлиги, катта ўғлининг хўжалиги қишлоқ фуқаролар йиғини қишлоқ хўжалик китобининг 699-бандига асосан алоҳида ажралиб чиққанлиги ҳамда 0,08 гектар томорқа ери борлиги аниқланди. Шунингдек, аризачига 1999 йилда вақтинча экин экиб фойдаланиш учун 0,10 гектар ер берилган.

Аризачига 2000 йилда такрорий экин экиш учун бурдойдан бўшаган ерлардан жамоа хўжалигининг ички қонун қоидаларига асосан ер берилиши тушунтирилди.

Аризачи текшириш хулосасидан қаноатланди.

■ Шаҳрихон тумани ҳокими
М. РАЗЗОҚОВ

ИСЛОҲОТ ВА МАСЪУЛИЯТ

ШАХСИЙ МАНФААТ — УМУМИЙ МАНФААТ ПОЙДЕВОРИ

Юртимизда истиқлол йиллари мобайнида иқтисодий ислоҳотлар жадал амалга оширилмоқда. Жонажон Ўзбекистонимизнинг шимолий ҳудудларидан бири — Қорақалпоғистон Республикасида ҳам барча соҳаларда ислоҳотлар жадаллаштирилмоқда. Одамлар ўзлари ишлаётган корхона иқтисодий жиҳатдан қанчалик ривожланса, бундан ўзлари ҳам манфаатдор бўлишларини тушуниб етишди. Буни хусусийлаштирилган, ҳиссадорлик жамиятига айлантирилган корхоналар мисолида яққол кўриш мумкин.

Беруний туманидаги «Ёғғар» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти ишчи-хизматчилари авваламбор корхона манфаатини ўйлаб меҳнат қилаётир. Бинобарин, ҳиссадорлик жамияти қанчалик кўп маҳсулот ишлаб чиқариб, катта фойда олса, ўз-ўзидан бу ерда ишлаётганларнинг даромади



шунчалик кўпаяди. Завод 1994 йилда очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятига айлантирилгач, манфаатдорлик ортди. Энди одамлар корхона мулкига худди ўз мулкларидек муносабатда бўладиган бўлиб қолишди. Шу сабабли бу ерда майда ўғирликлар, ташмачилик ҳолларига барҳам берилди. Натижада корхонанинг умумий кўрсаткичлари тобора яхшиланиб борди. Ишчи-хизматчилар яхшигина маош олишдан ташқари йил якунига кўра мўмайгина даромад ҳам олмоқдалар.

Ҳиссадорлик жамияти бошқарувининг раиси Сафарбой Салаев бизни корхонага қарашли болалар боғчасига таклиф этди. Боғчадаги шароитни кўриб очиғи қувондик. Кичкинтойларга яратилган шароит айнан уларга мос.

— Бу ерда корхонамиз ишчи-хизматчиларининг, яқин атрофдаги маҳаллалардаги аҳолининг фарзандлари тарбияланмоқда, — дейди корхона бош муҳандиси Исмоил Матёқубов. — Ажаб эмаски, яқин келажакда ана шу ўғил-қизлардан ажойиб мутахассислар, малакали ишчилар етишиб чиқса.

Корхона сари йўл оламиз. Ўз-ўзидан маълумки, ёғ заводи албатта, лабораториядан бошланади. Бу ердаги тажрибали ходимлар эл дастурхонига етказиб берилаётган ёғ сифатини синчиклаб текширадилар. Улар тасарруфида турли аппаратуралар, асбоб-ускуналар мавжуд. Лаборатория ходимаси Бозоргул Омонбоеванинг айтишига кўра агар, маҳсулот сифатсиз бўлса, у дарров оқартириш цехига қайтариб юборилади. Бинобарин, шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бу ердаги ходимларнинг малака ва тажрибаси туфайли савдога чиқарилаётган маҳсулотлар сифатли. Ҳозирча истеъмолчилардан ҳеч қандай эътироз бўлгани йўқ.

Цехларга олиб борадиган йўллар текис асфальтланган. Йўл четларида эса ҳақиқий сайлгоҳ — боғ бунёд этилибди. Бир томонда теракзор бўлса, бир томонда ўрикзору беҳизор.

— Корхонамиз ҳудудида боғ яратганимизнинг сабаби шуки, бундан биринчи навбатда ишчиларимизнинг ўзи манфаатдор бўлишади, — дейди Сафарбой Салаев. — Одамлар тушлик пайтида ана шу мевалардан тановул қиладилар.

Механика цехидамиз. Бу ерда тинимсиз ишлаётган дастгоҳлар сурони оламни тутган. Токарлик дастгоҳи ёнида тер тўкаётган оппоқ соқолли киши ўзини Василий Шурихин деб таништирди. У жамоада қарийб 40 йилдан буён меҳнат қилаётганлигини, қатор шогирдлари борлигини айтди. Улар бутун корхонадаги дастгоҳларни, асбоб-ускуналарни таъмирлаб беришар экан. Демак, ҳиссадорлик жамиятида биронбир дастгоҳни таъмирлаш керак бўлиб қолса, узоққа бориб юришнинг ҳожати йўқ.

Ёғ оқартириш цехию, тайёр маҳсулот омборида ҳам иш қизғин. Чигит цехидагиларнинг қўли-қўлига тегмайди. Ёғ оқартириш цехи катта устаси Гулистон Аметова ва бошқалар ғайрат билан меҳнат қилишаётир.

Ўз ишининг билимдони бўлмиш малакали, тажрибали ишчи-хизматчиларнинг тадбиркорлиги туфайли ҳиссадорлик жамияти ойлик ва йиллик топшириқларни мунтазам равишда ортиғи билан бажармоқда. Хусусан, ўтган йили ҳам шундай бўлди. Ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш режаси 141,9 фоизга уддаланди. 297 миллион 571 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш борасида эса 1 миллиард 12 миллион 320 минг сўмлик натижага эришилди. Соф фойда эса 50 миллион 170 минг сўмни ташкил этди. Умуман олганда йил давомида 28 минг 727 тонна пахта чигити қайта ишланиб, 4312 тонна қора ёғ, 4136 тонна оқартирилган ёғ, 13365 тонна кунжара, 9061 тонна шелуха ишлаб чиқарилди. Йил якунига кўра ишчи-хизматчилар оладиган дивиденд ҳам баракали бўлиши кутилмоқда.

— Йиллик режаларни ортиғи билан уддалаяпмиз, деб хотиржам бўлишга асло ҳаққимиз йўқ, — дейди бошқарув раиси. — Айни пайтда муаммоларимиз ҳам талайгина. Бундай муаммолардан бири шуки, бугунги кунда қувватларимизни чигит билан таъминлаш масаласи оқсаяпти. Яъни, қатор туманлар, хўжаликлар томонидан йиллик пахта тайёрлаш режасининг бажарилмаслиги оқибатида бизга келаётган чигит миқдори камайиб кетди. Шу боис қатор хўжаликларда соя етиштиришни йўлга қўймоқчи бўлдик. Лекин афсус, бизнинг ерларимизда бу экин яхши ўсмас экан. Ўтган йили туманимиз ҳудудида 150 гектар майдонга кунжут эктирдик. Ҳосил яхши бўлди. Аммо, уни сақлаш масаласида қийинчиликлар юз берди. Бироқ, шунга қарамай биз кунжут, кунгабоқар ва бошқа ёғли экинлар экишни кўпайтириш чораларини кўрмоқдамиз.

«Ёғғар» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти жамоаси қийинчиликларни мардонавор енгиб ўтишга ўрганишган. Шу боис улар асримизнинг сўнгги йилини шаҳдам одимлар билан бошлашди. Уларнинг нияти — бу йил 4260 тонна оқартирилган ёғ, 4800 тонна қора ёғ, 14600 тонна кунжара, 10000 тонна шелуха ишлаб чиқариш. Соф фойдани эса 70 миллион сўмдан оширишдир. Биз эса уларнинг эзгу мақсадлари ижобат бўлишига тилакдошмиз.

■ Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ,
Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари
Суратларда: корхона ишчи-хизматчиларининг шу кундаги ғайратшижоатидан айрим лавҳалар.

ҚОРА ҚИЛМИШ

БИР ҚОТИЛЛИК ИЗДИЗИ

ёки 11-синф ўқувчиси Азимжон Асқаровнинг қилмиши хусусида

Қотиллик юз бермаслиги мумкин эди. Бироқ унинг индаллоси синфда бўлган йиғилишдан бошланди. Ўшанда синфдошлар тўпланиб ҳадемай мактабдан қанот қоқиб учиб кетажакларини, шунинг учун битирув кечасини мумкин қадар зўр қилиб ўтказишни, ўқитувчиларни ҳам эсдалик совғалари билан сийлаш зарурлигини айтишганди. Битирувчилар кечани эсда қоларли қилиб ўтказишга, бунинг учун эса ҳар қайси ўқувчидан келишилган миқдорда пул тўплашга азму қарор қилишди. Гап битта: пул йиғилиши, кеча ўтказилиши шарт.

Ўзига тўқ оилаларнинг фарзандлари бу таклифни бажони-дил қабул қилишди. Бироқ ота-оналари бирор ишнинг учини ушлолмай юрган ўқувчилар, ёрдамга муҳтож ва кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари-чи? Бу таклиф уларга оғир ботди.

Азимжон ҳам битирув кечаси ўтказиш таклифидан кўнгли зил кетган ўқувчилардан эди. Азимжон ўйлай-ўйлай охири йўлини топгандек бўлди. Бу йўл бирор кишини қақшатиш эди.

1999 йилнинг 17 июни. Соат 15.30 лар чамаси Азимжон Асқаров туманнинг Ёрқўрғон қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги Навоий номли жамоа хўжалигининг 1-бригадаси даласида пайдо бўлди. Қараса ариқнинг шундоқ бўйида бир тўп қишлоқ болалари мол-қўй боқишяпти. Яқин ва олисдаги тут дарахтлари тагида бирор бош ҳайвон кўринмайди. Кўринсайди иши осон кечарди. Азимжоннинг хаёлига бир фикр келди: «Бу ерда мол ўғирлашнинг иложи йўққа ўхшайди, яхшиси болаларнинг бирини моли билан тўпдан ажратиб нарироққа етаклаб борай. Уни алдаб молини тортиб оламан, қаршилик кўрсатса гумдон қиламан, далада ким ҳам билиб ўтирибди». Ана шу разил ният билан у мол боқаётган болакайларнинг олдига борди.

— Салом болалар! — сўрашди у ариқ бўйидагилар билан.

— Яхшимисиз, Азимжон ака. — Чўгурлашди болалар унга қараб. — Нима қилиб юрибсиз бу томонларда?

— Шундоқ ўзим, айланиб, — деди у болаларга бирма-бир кўз ташларкан. Азимжон ариқ қирғоғида туриб «қайси бирини тузоққа туширсам экан», дея болаларни синчиклаб кузатди. Чеккароқда молини етаклаб боқаётган бола унинг эътиборини ўзига тортди. «Ана шуниси бўшроқ, «латта»га ўхшайди, уни тўпдан ажратиб олиб узоқроққа бошлайман» ўйлади у. Аста болакай ёнига келди. Бу бола Ёрқўрғон қишлоғида яшовчи Абдуғани Тожибоевнинг ўғли эди.

— Улуғбек, молингни боқишиб юборайми? — деди Азимжон унга.

— Икки бош мол ва қўйимни ўзим эплаяпман, — жавоб қилди Улуғбек. — Қийналсам ошналарим ёрдам беришади.

— Қизиқ экансан, жон демайсанми, мендай катта аканг ёрдам берай деганда.

Улуғбек ўтлаётган мол ва қўйининг арғамчисини тортиб болалардан сал нарироққа силжитди.

— Юр, молингни ўти кўпроқ жойда боқамиз. Ундан нари қишлоққа қайтамиз.

Улуғбек Азимжонни яхши танирди. Шу сабаб унинг қистовига «чиндан ҳам менга ёрдам бермоқчи бўляпти», деб тезда кўнақолди. Икковлон мол-қўйни ариқ бўйлаб аста-секин ўтлатиб дала шийпони олдидан ўтган ариққа, ундан кейин эса 300 метрча пастликдаги чўмилиш жойига келишди. Бу ерда ўтлар кўп эди. Азимжон қотилликни шу жойда амалга оширмоқчи бўлди. Чунки бу ер анча пастликда, қолаверса, узоқ-яқиндаги кишилар кўринмасди. У Улуғбекка бирдан ҳужум қилмоқчи бўлди-ю, лекин «бақириб юборса яна бирор кимса эшитиб қолмасин», деб бошқача йўл тутди. Ўшанда ёз қуёши далани тандирдек қиздирар, барча ўзига салқин макон қидириб қолган пайтлар эди.

— Чўмилмаймизми, — деди Азимжон Улуғбекка қараб, ариқнинг кенгайиб оқаётган қисмини кўрсатиб, — мазза жой экан.

— Майли, мен ҳам жуда қизиб кетдим, — таклифга рози бўлди Улуғбек. — Ўзиям бу ер роса чўмиладиган жой-да. Биз иссиқ кунларда кўпинча шу ерга келамиз.

Сувга биринчи бўлиб тушган Азимжон болакайнинг тушишини кутди. Улуғбек сувга бир шўнғиб олиб моли ўтлаётган томонга қараган ҳам эди шу пайт Азимжон орқа томондан келиб қўққисдан Улуғбекнинг бўйнидан бир қўли билан маҳкам қисиб, иккинчи қўли билан бошига икки бор мушт туширди. Сўнгра бошини сувга ботирганича бир неча вақт ушлаб турди. Қаттиқ зарбдан ҳушидан кетиб, сув ичида димиққан болакай қотил қўлида ана шу тарзда жон берди.

— Мана энди мол-қўй меники, — қотил ўзича шундай дея жасадни сувда қолдириб қирғоққа чиқди. Боланинг кийимларини эса сувга улоқтириб «биров кўрса чўкиб ўлибди деган фикрга борсин» дея мол, қўйни етаклаганча даладан катта йўл томон жўнаб қолди. У асфальт йўлга чиққан ҳам эдики, шундоқ йўл қирғоғидаги лоток ариқда чўмилаётган қизларга дуч келди. Қизлардан бири Азимжоннинг мол-қўй етаклаб келаётганини кўргач, дарров унинг йўлини тўсди. Бу қиз Улуғбекнинг синглиси Шаҳло бўлиб молини таниб қолган эди.

— Бизнинг мол, қўйимизни қаёққа олиб кетяпсиз, Улуғбек акам қани? — сўради Шаҳло ҳайрон бўлиб Азимжондан. Қотил шу пайт сўз тополмай довдираб қолди.

— Акам қани, нега молимизни сиз етаклаб келдингиз? — яна мурожаат этди Шаҳло йиғламсираб Азимжонга.

— Аканг сув ичгани ариққа кетди, — моллар сизларники бўлса олақол.

— Азимжон шундай дея қишлоқ томон жуфтакни ростлаб қолди. Шаҳло бўлса «акам орқамдан келиб қолар» деган умидда мол, қўйини уйи томон ҳайдаб кетди. Қуёш ботиб, кеч кирди. Абдуғани Тожибоевлар хонадонида безовталик бошланди. Минг афсуски, улар болакай ҳамқишлоғи Азимжон томонидан далада сувга пишиб ўлдирилганидан бехабар эдилар.

13-ўрта мактабнинг вояга етмаган 11-синф ўқувчиси Азимжон Асқаровнинг жинояти ўз вақтида фош этилди. Қотил вилоят суди томонидан жазосини олди. Лекин унинг қилмиши ҳар қандай кишини ташвишга солмай қўймайди. У қандай қилиб жиноятга қўл урди? Наҳотки у «пул» деб бир ёш умрини хазон қилса. Боланинг гўзал ҳаётидан пулни афзал кўрса. Уни бунга нима мажбур этди? Бу саволга яна «пул» дея жавоб қилиш мумкин. Чунки унга мактабдан битирув кечасига харжлаш учун пул келтириш айтилган эди. У пул топиш йўлида ана шу жиноятга қўл урди, ҳамқишлоғининг қотилига айланди.

Кези келганда шуни ҳам айтиш керакки, ўрта мактабларда битирув кечаларининг дабдабали ўтказилаётгани, дастурхон тузашдан ташқари, ўқитувчиларга совға-салом, ҳатто гиламгача ва ундан-да қимматли эсдалик совғалари берилаётгани сир эмас. Бозор иқтисодиёти шароитида бундай ортиқча харажатларга эрк бериш шартми? Битирув кечаларини оддийроқ қилиб ўтказса бўлмайдими? Мактабларнинг педагогик жамоалари қачонгача бундай дабдабали тадбирларнинг ташаббускори бўладилар? Халқ таълими бўлими ва бошқармаларнинг мутасаддилари бундай ҳолатга нега томошабин сифатида қарашади? Ана шундай кечалар сабаб жиноятчилик юз бермайди, деб ким кафолат бера олади? Қисқаси, бу воқеадан ўқувчилар ҳам, халқ таълими ходимлари ҳам хулоса чиқариб олишар.

■ Олимжон ЭРГАШЕВ,
Уйчи туман ички ишлар бўлимининг бошлиғи, милиция подполковниги.
Эркин ҚАМБАРОВ,
журналист

СЕССИЯДАН КЕЙИНГИ ЎЙЛАР

ТАШАББУСКОРЛИК — АСЛИ ВАТАНПАРВАРЛИКДИР

Собиқ Иттифоқ даврининг «чиройли шиорлари» бўларди. Улар қатори «Ташаббусга кенг йўл», «Ташаббусга кенг қанот» каби шиорлар вазирлик биносининг пештоқидан, дала шийпонигача тиркаб қўйиларди. Лекин аслида эса «Ташаббус жазоланади», («Инициатива-наказуема»), деган ҳақиқат амалда эди. Ким ташаббус билан чиқса бошига уриларди, мураккаб бюрократик механизм исканжасида бу яхши ният эзилиб, янчилиб кетар, жуда борса, «раз ташаббус кўрсатдингми, ўзинг бажар» дейиларди, унга гўёки хайрихоҳлик билдириларди, лекин бояги бюрократия машинаси ўз ишини қилаверарди. Ташаббус кўрсатган корхона ё ходим қайтанга калака бўлиб, охир-оқибат ишдан совиб кетарди.

Хайриятки, мустақиллик ташаббус билан ишлаш имкониятини очиб берди. Таъбир жоиз бўлса, мустақиллик ва ташаббускорлик бирбирига яқин, ҳамоҳанг тушунчалардир. Мустақил инсонгина ташаббус билан чиқиши мумкин. Қалбида эркинлик, интилиш, ижодкорлик, ташаббускорлик бор кишигина мустақил шахс бўла олади.

Шу маънода Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг иккинчи чақириқ Олий Мажлис биринчи сессиясида айтган «Ташаббус сўнмасин, ташаббус ўлмасин», деган сўзлари бутун халқни ҳаяжонга солди, уларнинг дилидаги энг эзгу ниятларига қанот бахш этди.

Чиндан ҳам эндиликда юртимиз ободлиги, Ватанимиз озодлиги, халқ фаровонлиги учун астойдил, жон куйдириб, ташаббус кўрсатиб ғайрат, шижоат билан ишлайдиган фурсат келди, бунинг қадрига етишимиз керак.

Ташаббус билан ишлаш бизнинг «Шарқ» нашриёт-матбаа концернимиз фаолиятида ҳам мустаҳкам илдиз отган анъаналардандир. Бутун ҳаётини маънавият ва маърифат ривожи учун бахш этиб келаётган аҳил, ижодкор жамоамизнинг мураккаб бозор иқтисодиёти шароитларидан беталафот чиқиб олиши ишончли анъанамиз, кундалик меҳнатимиз омилларидан бири ҳам бизда шаклланган ташаббускорлик руҳининг асил ифодаси десак муболаға бўлмайди.

Узоққа бормайлик, собиқ Иттифоқ инқирозга юз тутиб, мустақилликка эришгач, олдимизда мустақил мамлакатнинг матбаачилигини, ноширлигини шакллантириш вазифаси турарди. Матбаачилик шундай соҳа эдики, хомашёнинг 90 фоизи четдан келтириларди. Корхонамиз ишлаб чиқариш ҳажмлари кескин қисқарган, газета-журналларнинг адади тасаввур қилиб бўлмас даражада камайиб кетган бир шароитда, ишчи-хизматчиларни иш билан таъминлаш, ноёб малакали мутахассисларни корхонада сақлаб қолиш, машина-ускуналардан унумли фойдаланиш тақозо этиларди. Улкан, етук тажриба ва корхонанинг ижобий анъаналари, жамоадаги соғлом, ишчан руҳ ташаббусга йўл очиб беради. Китоб ноширчилигини қайта барпо этдик. Тарихимиз, мумтоз асарларимиз, замонавий адабиёт намуналарини сифатли китоблар шаклида чоп этиш технологиясини ишлаб чиқаришга жорий этдик. Иш ҳажми оширилди, ишчилар иш билан таъминланди, машиналар яна гуриллаб ишлай кетди.

Матбаачилик технологиясини ривожлантириб, янги ишлаб чиқариш жараёнларини тадбиқ этдик. Иш қоғозлари, ўқув қуроллари, концелария ҳужжатлари, қимматли қоғозлар, тақвимлар, гувоҳномалар, дарсликлар чоп этиш технологияларини мукаммал эгалладик. Айни пайтда янги мустақил давлатимизнинг дастлабки қўплаб ҳужжатлари, иш қоғозлари, зарур босма маҳсулотлари айнан «Шарқ»да чоп этилгани корхонамиз тарихининг шарафли саҳифалари сирасига киради.

Ижобий, аниқ мақсадли ташаббускорлик корхонамизнинг шонли анъаналарига сингиб кетган. Шу боис, жамоамиз ҳамиша изланишда, интилишда. Кейинги йилларнинг ўзида мева-сабзавот саноати учун ёрлиқлар, (этикеткалар) тайёрлашни ўзлаштирдик. Илгари бу ёрлиқлар чет элда валюта ҳисобига чоп этиларди. Ҳукуматимизнинг бу тўғридаги қарорига биринчи бўлиб жавоб бердик. «Биз тайёрлаймиз», дедик. Шу кунгача 500 миллион сўмлик иш бажардик. Бу давлатимизнинг анча валютаси тежаб қолинди, деган гап.

Кейинги йилларда янги мактаб дарсликлари етишмаслиги табиий ҳол эди. Мустақиллик адабиётларини яратиш, уни ўқувчиларга сифатли, кўркам, энг муҳими арзон нархларда етказиб бериш ишига ҳам баҳоли қудрат ҳисса қўшиб келаяпмиз. Бу борада Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, Жамият қурилиши ва бошқарув академияси билан ҳамкорлигимиз эътиборга лойиқ. Эндиликда дарсликларнинг муаллифлари ўз асарларини бизга олиб кела бошлади. Ўқувчилар, мактаб соҳаси мутахассислари, ота-оналардан ҳам миннатдорлик мактублари олаётганимиз Президентимиз таърифидаги «Ташаббус сўнмаслиги, ташаббус ўлмаслиги»ни кўрсатиб турибди, дилимизни равшан этиб, янги, хайрли ишларга чоғламоқда.

Матбаачилик санъатига сайқал бера бориб, илгари фақат чет элларда чоп этилган кўп рангли альбомлар тайёрлашнинг ҳам ҳадисини эгалладик. Амир Темурнинг 660 йиллигига атаб ўзбек, инглиз, француз ва рус тилларида тайёрлаган альбомимиз Парижда ЮНЕСКО қароргоҳида ўтган Соҳибқиронга бағишланган анжуманда дунё маданият арбобларининг назарига тушди. Кейинроқ Хиванинг ва Бухоронинг 2500 йиллигига, ал-Бухорий, ал-Фарғоний туғилган кунларини нишонлаш даврида чиқарган альбомларимиз биз бу мураккаб ишлаб чиқариш жараёнини тўла эгаллаганимизни, эндиликда дунёнинг олдида матбаа корхоналари билан ижро санъатида, меҳнатда бемалол баҳслаша олишимиз ҳақиқат эканлигини намойиш этди. Буларга ҳам корхонада ҳукм суриб келаётган ташаббускорлик, изланувчанлик, эркин фикрлиликка кенг йўл берилганлиги оқибатида эришилди.

Шу кунларда «ЎзБАТ» қўшма корхонаси билан узоққа мўлжалланган шартномалар тузишга киришдик. Биз эндиликда қўшма корхона тайёрлайдиган «Хон» сигареталари учун қутичалар тайёрлаб беришнинг мураккаб, ўта нозик жараёнини бажаришга келишиб олдик. Бу корхонамиз учун жуда катта иш ҳажми бўлиб, 600 миллион сўмлик қўшимча маҳсулот яратилиб, ишлаб чиқариш ҳажми икки баравар ошади.

Бу ўз-ўзидан бўладиган иш эмас. Биз бир йилча улар билан мулоқотлар олиб бордик. Ўз ишининг устаси бўлган чет элликлар бекордан-бекорга бир қарорга келишмайди. Концерн маҳсулотларини кузатиб бориш, ишлаб чиқариш жараёни билан танишиш, мавжуд технологиянинг мукаммаллиги, мутахассисларимизнинг билим-малакаси уларга маъқул тушгачгина, ҳамкорлик шартномасига имзо чекишга розилик бериш-ди.

Чиндан ҳам нима учун ўз мамлакатимизда яратилган маҳсулот учун қутилар Ҳиндистондан олиб келиниши керак? Нега, уни ўзимизда тайёрламаймиз? Ташаббускорлик асли — ватанпарварликдир, буни ёдда сақласак ҳеч зиён бўлмайди.

Ҳозир цехларни бу янги технологияга мослаш, кадрларни тайёрлаш, сигарет қутилари чоп этишга ихтисослашган техника ускуналарини сотиб олиш ишлари қизғин кетаяпти. Лекин...

Президентимиз 1999 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2000 йилда иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида айтган «Давлат ва ижтимоий тузилмалар, биринчи навбатда, қонуннинг бажарилишини таъминлайдиган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари тадбиркорлар ва корхоналарнинг хўжалик фаолиятига ноқонуний аралашаётганига асло тоқат қилиб бўлмайди», деган сўзлари бугунги кунимиз учун ўта долзарблик касб этади. Нега деганда, сўнгги беш ойнинг ўзида корхонамизга уч марта текширувчилар келди. Умуман, кейинги бир неча йил мобайнида концерн назорат идораларининг доимий «эътибор»ида бўлиб келмоқда. 1997 йил февралдан солиқ инспекциясининг қарийб 45 кишилик гуруҳи анча муддат асоссиз текширув ишлари олиб боришганини ҳам айтиб ўтишимиз жоиз. Уларнинг асоссиз даъволари орқасида корхонамизнинг 76 миллион сўм пули ушлаб қолинди. Лекин, биз ҳақлигимизни турли доира, маҳкамаларда исбот қилиб, жамоамиз пешона тери билан топилган маблағнинг бир қисмини қайтариб олдик. Бизнинг бундай «бетгачопар»лигимиз кимларгадир ёқмаяпти шекилли, шундан бери доимий «эътибордамиз».

Ўқувчида гумон уйғонмасин, биз текширишларнинг зарурлиги, аҳамиятини жуда чуқур тушунамиз. Қаердаки, назоратдан, текширувдан холи корхоналар бўлса, ўша ерда қонунсизлик, хатоликлар юз беради. Лекин айни пайтда текширувлар, асосли, мақсадли, мантиққа тўғри келадиган бўлиши керак. Ёки Президентимиз ўша маърузада айтганларидек «Қонунни биринчи навбатда ҳурмат қилиши лозим бўлган тизимларнинг ўзи унга хоҳлаган тарзда муносабатда бўлса, қандай қилиб ҳуқуқий давлат қуриш мумкин. Агар уларнинг манфаатларига мос бўлса, улар қонун посбонларию, манфаатларига зид келса, қонунни оёқ ости қилишса, бу қайси мантиққа тўғри келади?

Мен яна бир марта огоҳлантириб қўймоқчиман, ўзбошимчалик билан корхоналар фаолиятига аралашиш бўйича ҳар бир факт қонуннинг қўпол бузилиши деб баҳоланади».

Юртбошимизнинг бу гаплари бизга қанот бағишлайди. Янада шижоат билан ишлашга, тиним билмай, доимо изланиш ва яна изланиш, тадбиркорлик, ташаббускорлик, ишбилармонлик билан меҳнат қилишга ундайди.

Баъзан «текширувчилар келиб кетади. Камчилик бўлмаса бўлди-да» дейишади. Лекин, улардан қолган маънавий зарарни ким тўлдиради?! Ишчиларнинг бесаранжомлиги, руҳи тушиши, ишдан совуши, ихлоси қайтиши бевосита ишлаб чиқаришга таъсир қилади. Ҳар қандай текшириш ўз моҳиятига кўра ташаббускорликни сусайтиради. Президентимиз текширувларни камайтириш ҳақида гапирганларида, айнан шуни назарда тутганлар.

Ҳозир «Шарқ» концерни қошида чет эллик ҳамкорлар билан тузилган 6 та қўшма корхоналар ишлаб турибди. Улар нафақат «Шарқ»қа, балки, бутун халқимизга нафи тегаяпти, мамлакатимизга чет эл сармояси кириб келаяпти. Улар қурган бинолар, дўконлар, кўрсатаётган хизматлари одамларнинг оғирини енгил қилаяпти, ҳожатини чиқараяпти, юрт ободлиги учун асқотаяпти. Биргина мисол. Ўтган йилни 1 миллиард 861 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш билан якунладик. Шундан 772 миллион 500 минг сўмлик турли солиқлар тўладик. Қиёслаш учун айтай, 1998 йилда 1 миллиард 49 миллион сўмлик маҳсулот тайёрлаган эдик. Бу йилги режаларимиз 2 миллиард 600 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш.

Биз бу режаларни албатта, уддалаймиз. Чунки жамоамизда ишчанлик, ташаббускорлик авж олган. Ташаббускорларнинг кафили, суянч тоғи эса Президентимиздир.

■ **Ислом ШОҒУЛОМОВ,**
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни раиси

СИЁСИЙ ШАРХЛОВЧИ НИГОҲИ

СОКИНЛИККА ДАРЗ КЕТГАЧ

Озарбойжондан олинган хабарларга кўра, республиканинг миллий қаҳрамони Расим Акперов қамоққа олинган. Мамлакат мудофаа вазирининг буйруғига кўра, тоғ-пиёда полки командири лавозимидан озод этилган Акперов қамоққа олинишидан олдин бутун мамлакатга «Мен гўёки ҳукуматни ағдармоқчи бўлганлигим учун лавозимимдан озод этишди», деб айтди. Шуни айтиш керакки, Озарбойжоннинг мустақилликдан кейинги тарихида бир неча бор ҳарбийларнинг давлат тўнтаришига уринишлари фош этилган. Масалан, 1993 йилнинг ёзида полковник Сурат Гусейнов Элчибей бошчилигидаги халқ фронти партияси ҳукуматини ағдаришга муваффақ бўлган эди. Полковник Равшан Жавадов томонидан Президент Ҳайдар Алиевни ҳокимиятдан ағдариш ҳаракатлари эса муваффақиятсиз якунланди. Бу воқеа 1995 йилнинг март ойида бўлиб ўтган. Бироқ, бу гал бир гуруҳ ҳарбийлар томонидан амалга оширилган фитна муваффақиятсиз якунланди. Жавадов ҳалок бўлди. Маълумотларга қараганда, бу сафар генерал-полковник Акперовнинг истеъфога кетишига Президент Ҳайдар Алиев томонидан унинг отаси Оға Акперовни Феранбой тумани ҳокими лавозимидан олиш қарори сабаб бўлган. Бу ерда эса, унинг ўғли ғарбий қўшинлар қўмондони лавозимини эгаллаб турарди. Ғазаб отига минган Акперов ўз тарафдорлари билан президент Ҳайдар Алиев билан музокаралар олиб бориш учун Бокуга йўл олади. Бу пайтда Бокуда ҳарбийлашган полиция қисмлари пайдо бўлишади. Зеро, Расим Акперовнинг хатти-ҳаракатлари оғир оқибатларга олиб келиши мумкин эди. Бироқ, эрталаб Акперовнинг қамоққа олинганлиги тўғрисида хабарлар пайдо бўлди. Расмий маълумотларга қараганда, полковник ўтган ҳафта унинг қисмида бўлиб ўтган қонли тўқнашув туфайли қамоққа олинган. Ҳарбий қисмнинг икки нафар аскари ўтказилган зулмларга чидамай, ўз командирини отиб ташлаган. Мамлакат мудофаа вазирининг буйруғига кўра, қамоққа олинган Расим Акперов қуролли кучлар сафидан бўшатилган. Маҳаллий кузатувчиларнинг фикрича, Озарбойжон армияси Сурат Гусейнов ва Равшан Жавадовдан кейин яна бир ҳарбий командиридан жудо бўлмоқда. Уларнинг ҳар уччаласи Тоғли Қорабоғ можароларида иштирок этишган ва «Озарбойжон қаҳрамони» унвонига сазовор бўлишган эди. Айни пайтда эса Тоғли Қорабоғ можаросини барқарорлаштириш борасида саъй-ҳаракатлар давом эттирилмоқда. Хабарингиз бор, яқинда Швейцариянинг Давос шаҳрида бўлиб ўтган бутунжаҳон иқтисодий форумида АҚШ давлат котиби Мадлен Олбрайт хоним минтақадаги вазиятни барқарорлаштиришга уриниш мақсадида Озарбойжон ва Арманистон давлат раҳбарлари Ҳайдар Алиев ҳамда Роберт Кочарян билан музокаралар олиб борган эди. Музокараларнинг қандай руҳда якунлангани ҳозирча номаълум. Лекин ЕХҲТ Минск гуруҳи ҳамраисларидан бири бўлган Америка Қўшма Штатлари қандай бўлмасин Тоғли Қорабоғдаги вазиятни бутунлай барқарорлаштиришга уринмоқда. Зеро, Транскаспий нефть ва газ қувурининг қурилиши бутун Кавказдаги вазиятнинг барқарорлашуви ҳамда осойишталик ўрнатилиши билан боғлиқ. Шимолий ва Жанубий Кавказда бутунлай тинчлик ва барқарорлик ўрнатилмас экан, ғарбий нефть қувурини қуриш лойиҳаси ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Шу сабабли, айнан АҚШнинг ташаббуси билан ўтган йилнинг ўзида Озарбойжон ҳамда Арманистон раҳбарлари ўртасида беш маротаба музокаралар ўтказилган. Куни кеча эса Туркия парламенти спикери Озарбойжон пойтахти Бокуда меҳмон бўлди. Мамлакат расмийлари билан ўтказилган музокараларда асосан Россияни четлаб ўтган ғарбий нефть қувурининг қурилиши хусусидаги лойиҳалар, Эрон — Озарбойжон муносабатлари, Туркия ва Арманистон алоқалари муҳокама қилинди. Минтақадан ўз манфаатларини излаётган Туркия ҳукумати Озарбойжоннинг манфаатларига зид равишда Арманистон билан муносабатларни яхшилашга интилмоқда. Яқинда Туркия ўз чегаралари Арманистон транспортлари бемалол қатнаши учун очиб қўйди. Мақсад Озарбойжон ва Арманистон ўртасидаги муносабатларни яхшилаш эди. Лекин Озарбойжон ҳукумати Туркиянинг бундай хатти-ҳаракатларига норозилик билан ёндашмоқда. Шунингдек, Озарбойжоннинг Каспий бўйида жойлашган Эрон билан муносабатларни яхшилашга интилиши айни пайтда Туркияни ташвишлантирмоқда. ЕҲХТ Минск гуруҳининг ҳамраисларидан бири бўлган Россия ҳам Кавказдаги ҳаётий манфаатларни сақлаб қолиш ва уни кенгайтириш мақсадида Озарбойжон — Арманистон музокараларидаги асосий воситачи бўлишга астойдил бел боғлаган. Хусусан, шу йилнинг январь ойида Москвада МДҲга аъзо мамлакатлар давлат раҳбарларининг учрашуви доирасида Россия президенти вазифасини ижро этувчи Владимир Путиннинг Жанубий Кавказда жойлашган Озарбайжон ва Арманистон давлат раҳбарлари билан уч томонлама учрашуви бўлиб ўтди. Владимир Путин Россия икки мамлакат ўртасида эришилиши лозим бўлган тинчлик келишувига кафолатчи бўлиши мумкинлигини эълон қилди.

■ **Абдували СОЙИБНАЗАРОВ**
Хориж матбуоти асосида тайёрлади.



Хельсинкидаги «Финляндия» концерт ва конгресслар уйи

АУГУСТО ПИНОЧЕТ ТАҚДИРИ

Агар Аугусто Пиночет Чилига қайтиб келса ва бу ердаги шифокорлар собиқ диктаторга буюк-британиялик ҳамкасблари томонидан қўйилган ташхисни тасдиқласа, уни ватанида суд қилишнинг ҳам иложи бўлмайди. Бу ҳақда Чили оммавий ахборот воситалари хабар тарқатди.

Айни пайтда Чили судларига Пиночетга қарши етмишга яқин даъво аризаси берилган.

ОЧИҚ СУД ЎТКАЗИЛАДИ

Иорданияда ўтган йилнинг декабрь ойида ҳибсга олинган, террорчилик ҳаракатлари содир этишни мўлжаллаганликда айбланаётган 12 нафар иорданиялик, бир жазоирлик ва бир ироқлик устидан очиқ суд ўтказилади. Бу ҳақда Иордания ҳукумати расмий вакили айтди. Унинг сўзларига қараганда, террорчилар Усама бин Лодин раҳбарлик қилаётган «Ал-Қоида» ташкилотининг аъзоларидир. Суд жараёни март ойида бошланиши керак. Агар уларнинг айби тасдиқланса, барча судланувчилар ўлим жазосига ҳукм қилиниши мумкин.

БИР ЙЎЛА ИККИ САМОЛЁТ ҲАЛОКАТИ

АҚШ ҳарбий ҳаво кучлари иккита «Ф-16» русумли қирувчи самолётидан айрилди. Уларнинг бири Аризона, иккинчиси эса Жоржиа штатида машқ пайтида ҳалокатга учради. Учувчилар катапулта ёрдамида омон қолган.

Айни пайтда ҳар бирининг қиймати 20 миллион доллар турадиган қирувчи самолётларнинг ҳалокатга учраш сабаблари ўрганилмоқда.

ЖАҲОН ТАДБИРКОРЛАРИ

Давлатимиз тадбиркорларга, ишбилармонларга кенг йўл очиб берди. Кўз ўнгимизда бундай инсонлар тобора кўпайиб, сармоялари ҳам ортиб бормоқда. Албатта, бундай инсонларга ҳалолингиз бўлсин деймиз. Орамизда кўпчилигимиз ўз бизнесимизни бошлашни, бойишни истаймиз. Аммо, буни қандай амалга оширишни билмаймиз. Ҳаёлимизда, катта маблағимиз йўқлигини рўкач қилиб ҳеч қайси ишнинг бошини тутмаймиз. Сиз тез бойиб кетиш ҳақидаги воқеаларни, албатта, эшитган бўлишингиз керак. Уларнинг ҳаммаси ҳам катта маблағ асосида иш бошламаган. Қуйида ана шундай омадли тадбиркорларни ўз бизнесини қандай бошлагани билан танишиб чиқамиз.

ЎЗ УЙИ ЙЎҚ ЭДИ

Стивен Жобс билан Уильям Гейтс бир-бирларидан юзлаб миля нарида яшасалар-да, уларнинг муштарак жиҳатлари кўп. Иккаласи ҳам 1956 йилда туғилган. Ҳар иккаласи шахсий компьютерларни ишлаб чиқариш кашшофлари бўлди. Яна иккаласи ҳам 30 ёшга тўлмасдан мультимиллионерлар сафидан ўрин олди.

Стивен Жобснинг болалик йўли ўнқир-чўнқирлардан иборат эди. Ота-онасидан эрта етим қолди. Мерос қолган «Фольксваген» машинаси билан гаражда ҳаёт кечирарди. Унинг техникага қизиқиши жуда кучли эди, аммо маблағ топаолмаганидан коллеждаги ўқишини ҳам ташлашга мажбур бўлди. Жобснинг дастлабки ишларидан бири шаҳарлараро сўзлашувлардан бепул фойдаланадиган гугурт қутидек келадиган аппарат яратди. Афсуски, бу аппаратлар савдоси узоққа чўзилмади. Чунки, бу жиноят эди.

Кейинчалик эса у ўз йўлини топиб олди.

Дастлабки компьютерлар анча мураккаб бўлиб, уларда фақат олимларгина ишлай олишарди. Стивен Жобс агар компьютерда ишлаш соддалаштирилса ва нарҳи арзон бўлса, уни оддий кишилар ҳам сотиб ола бошлайди, деган фикрга келади. У ҳақ бўлиб чиқди. Уни миллионер қилган ҳам мана шу фикр эди. 1300 доллар пули бўлган Жобс (бу пулнинг кўп қисмини ўзининг эскирган «Фольксваген» машинасини сотишдан олди) биринчи компьютерни ясади ва уни «Apple-1» («Олма-1») деб атади. Шу моделнинг муваффақияти шахсий компьютерларнинг янги моделларини ишлаб чиқаришга пул келтирди.

1980 йилда «APLLE» фирмаси биринчи марта ўз акцияларини очиқ савдода бозор нархи билан 1,79 млрд. долларга сотди.

* * *

Уильям Гейтсни 70-йилларда бозорда пайдо бўлган янги шахсий компьютерларнинг муваффақияти қизиқтириб қўйди. У шахсий компьютерларнинг муваффақияти уларни дастурий жиҳатдан таъминлаш фойдаланувчига қанчалик қулай («дўстона») бўлишига боғлиқ, деган фикрга келади. У 1975 йилда ҳаммуассислик қилган «Microsoft» фирмаси IBM — бир-бирига мос шахсий компьютерлар учун асосий амалий тизимни ишлаб чиқди. Эндиликда Уильям Гейтс жаҳондаги энг миллиардер бўлиб қолди.

Яқинда матбуотда ўқиб қолдим. Гейтс ва унинг рафиқаси Мелинд хорижий мамлакатларда кам таъминланган болалар соғлиғини яхшилаш ва уларни ўқитиш мақсадида хайрия жамғармаси ташкил қилган экан. Шу вақттача Гейтслар оиласи жамғармага жами 21,8 миллиард доллар маблағ ажратибди. Жамғарма ўтган йилнинг ноябрида болаларни эмлашнинг ўзига 750 миллион доллардан ортиқ маблағ ажратди.

КАЛЕЙДОСКОП МУВАФФАҚИЯТИ

Аммо, бизнесда омадли бўлиш учун компьютерлар билимдони бўлиш унча шарт эмас!

Каролин Беннет 8 ёшга тўлганида, унга калейдоскоп совға қилишди. Тешикчадан кўринган ранг-баранг нарсалар унга жуда ёқиб қолади. Каролин калейдоскопларга берилиб кетди ва болалигиданоқ уларни ўзи ясаб олишни ўрганди. Ўзининг дастлабки калейдоскопларини у ота-онаси ва дўстларига ҳадя қилди. Лекин тез орада одамлар ундан калейдоскоп сотишни илтимос қила бошлади. Талаб шу қадар кўп эдики, у 1978 йилда ўқишини ташлаб ўзининг калейдоскоп ишлаб чиқарадиган фирмасини очди.

«C. Bennett Scopes» (унинг фирмаси шундай деб аталади) 1987 йилда нархи 10 долларлардан 450 долларгача турадиган 50000 тадан кўпроқ шундай ўйинчоқ ишлаб чиқаради.

АВТОМОБИЛЬ ЮВУВЧИСИ

Омадли тадбиркорлардан бири «Lincoln Mercury» автомобиль маҳкамасининг шерикчиликдаги эгаси, Шимолий Каролина штатининг Шарлотта шаҳрида туғилган Сем Жонсон — ижарачи фермерлар оиласидаги 11 фарзанднинг бири эди ва камбағаллик нималигини яхши биларди.

У ишни 1957 йилда автомобиль савдосининг қуйи поғонасидан бошлади. Унинг биринчи иши Сент-Луисда «Бьюик» машиналари савдогари қўлида автомобилларни ювишдан иборат бўлиб, хафтасига 25 доллар ҳақ оларди. Орадан икки йил ўтгач босс (хўжайин) унга четда воситачилик усулида сотиш учун машиналар берди, яна икки йилдан кейин у мазкур фирманинг тўла ҳуқуқли дилери (савдогари) бўлиб қолади.

Жонсон яхши ишлади ва 1973 йилга келиб «Форд» машиналарини сотадиган ўзининг биринчи маҳкамасини сотиб олишга етадиган маблағ жамғаради. У шарқий Сант-Луисда абгор бўлаётган маҳкамани арзон-гаровга сотиб олади. Жонсон уни тиклади ва авж олиб борган савдо пулининг бир қисмини ажратиш имкони берган ҳамоно аввалига Шарлоттадаги «Sam Johnson» маҳкамаси пайининг бир қисмини, кейин эса ҳаммасини сотиб олади.

Бу 1981 йилда бўлган эди. Ҳозирги пайтда «Sam Johnson Lincoln Mercury» маҳкамасининг йиллик маблағ айланиши 580 млн. доллардан ошади.

■ **Худоёр ҲАМИДОВ**

ОЛИМПИАДАГА ЙЎЛЛАНМА МУБОРАК

Тошкентда юнон-рум кураши бўйича «Мустақиллик кубоги» учун ўтказилган халқаро мусобақа якунланди.

Пойтахтимизнинг кўркам спорт кошонаси — «Юнусобод» саройи икки кун мобайнида гавжумлашиб турди. Бу ерда қарийб 40 мамлакатдан тўпланган, 200 га яқин моҳир полвон Сидней олимпиадасига бериладиган йўлланма учун курашди. Маълумки, ҳар бир спортчи учун энг йирик спорт анжумани ҳисобланган олимпиадага бориш ҳамиша орзу-ҳавас бўлиб келган. Шунинг учун ҳам спортнинг ҳар бир тури бўйича ўтказиладиган саралаш баҳслари кўтаринки руҳда ва байрамона тарзда давом этади.

Бундай нуфузли мусобақани ўтказиб беришга аҳд қилган тошкентлик ташкилотчи-ю тадбиркорлар фахр ва масъулиятни ҳис этган ҳолда барча юмушлар жаҳон андозаларига мос бўлиши учун ҳаракат қилишди. Полвонларни кутиш, жой билан таъминлаш, маданий-маиший хизмат кўрсатиш, қоларверса, ғолибу совриндорларни шарафлашлар ҳам кўнгилдагидек адо этилди. Айниқса, мусобақани очилиш ва ёпилиш маросимлари эсда қоларли бўлди. Узунлиги қарийб 20 метр бўлган улкан байроқни мадҳиямиз садолари остида зал бўйлаб гўё парвоз қилаётгандек оҳиста кўтарилиши ҳеч бир спорт тадбирларида амалга оширилмаган. Шу боисдан хорижий ва маҳаллий спорт ташкилотчилари бу тадбирни Генес китобига киритиш таклифи билан хат тайёрлаб қўйдилар.

Икки кун мобайнида 200 дан зиёд беллашув бўлиб ўтди. Зеро, мухлислар сўнгги 8 учрашувни кўришга ошиқардилар. Боиси, ана шу 8 вазндан иборат полвонларнинг ҳал қилувчи учрашувларида олимпиадага бериладиган йўлланма соҳиблари аниқланади. Финал баҳслари қизғин ва муросасиз курашга айланди. Ҳакамлар ҳам полвонларнинг ҳаракатини аниқ ва кам-кўстсиз баҳолаб турдилар. Аммо беллашувда нималар бўлмайди дейсиз. Гап шундаки, полвонларнинг баъзиси биринчи марта бундай нуфузли баҳсда иштирок этаётган бўлса, бошқаси жаҳон ва олимпиада мусобақаларини ҳам кўриб, катта тажриба соҳиби эканини намойиш этишга ҳаракат қиларди. Ишқибозлар эса польшалик олимпиада чемпиони Владимир Завадскийнинг усулларини синчковлик билан кузатдилар. Спортнинг ҳамма турида бўлгани каби курашда ҳам омади чопган ғалаба сурурини тортиши табиий. Владимир қанчалик уринмасин «иши» юришмади. Унга қарши турган россиялик Николай Монов 3:1 ҳисобида устун келиб, йўлланмани илиб кетди.

Албатта, мухлисларни юртдошларимиз беллашувлари кўпроқ қизиқтиради. Тошкент баҳсида бир эмас қарийб олти нафар полвонимизга умид боғлаган эдик. Уларнинг аксарияти дастлабки учрашувларни ёмон ўтказишмади. Бироқ, саралашда икки марта ютуқ эгасигина курашни давом эттириш имкониятига эга бўлиши қоида қилиб қўйилган. Алексей Чигляков бронза медали билан қаноатланди. Шермуҳаммад Кўзиев, Юрий Витт, Руслан Биктяковлар финалгача етиб келолмадлар. 54 килограмм вазнли Шамсиддин Худойбердиев билан 76 килограммли Евгений Ерофайлов йўлланмани нақд қилишса зора, деган ниятда эдик. Тўғриси, Шамсиддин аввалига швед Хоук билан юнон Георгианларни доғда қолдириб, финалгача етиб келди. Унинг ҳал қилувчи баҳсда хитойлик Ху ай Ванг билан жангида ҳам сусткашлик кўзга ташланмади. Омад эса хитойликка кулиб боқди. Шунга ўхшаш Евгений ҳам Жанубий Корея курашчиси Жим Соо Кимга 4:0 ҳисобида имкониятни бой бериб қўйди. Қолган вазнларда арманистонлик Карен Мнасаканян, озарбайжонлик Ислом Доугочиев, норвегиялик Аанес Фритз, украиналик Давид Солдадзе, туркиялик Бакир Фотихлар Сидней олимпиадасига йўлланма олишди.

Энди полвонларимиз умид билан яна иккита саралаш баҳсларида иштирок этадиган бўлиб турибдилар. Тошкент мусобақасига қадар Италия ва Францияда ана шундай саралаш баҳслари бўлиб ўтган эди. Ҳозирча 58 килограммли Дилшод Орипов билан, 63 кг. вазнли Баҳодир Қурбонов йўлланма эгаси бўлишган. Май ойигача якунланадиган сўнгги саралаш мусобақалари АҚШ ва Мисрда бўлади. Ўйлаймизки, полвонларимиз ана шу мусобақаларда кўтаринки руҳда, астойдил ҳаракат қилиб Дилшод билан Баҳодирнинг сафига қўшилишга ҳаракат қиладилар.

■ **Ҳайдар НОСИРОВ**

Суратларда: Мусобақадан лавҳалар

Алишер РИСҚИЕВ (ЎзА) олган суратлар





МУЛОҲАЗА

БИР СТАКАН ПИСТА...

Эътибор берган бўлсангиз, кейинги пайтларда кунгабоқар меваси — писта чақиш одати тобора кенгроқ ёйиляпти. Кўча-кўйда, хиёбонларда, жамоат транспортларида, бекатларда, бозор-ўчарларда, мактаб ва олий ўқув юртларида, қўйингчи, ҳамма жойда «чақ-чақ». Чақувчиларнинг ёшида деярли фарқ йўқ. Катта ёшдагилар ҳам чақади, кичик ёшдагиларни-ку асти қўяверинг. Ҳар қадамда учрайдиган писта фурушларнинг эса бозори чаққон: келиб қолинг, олиб қолинг, мағзи тўқидан бор...

Писта фойдасиз, уни чақиш, истеъмол қилиш керак эмас, деган фикрдан йироқмиз. Лекин бизни андак ўйлантираётган, мулоҳаза юритишга даъват этаётган нарса, бу — пистани қачон, энг муҳими, қаерда чақиш масаласидир. Бир қарашда бу жўндай туюлса-да, аслида мушоҳада юритишга арзигуликдир. Аввало шу нарсани айтиш жоизки, аксарият ҳолларда писта кўчада, бекатларда санитария-гигиена қонун-қоидаларига мутлақо зид ҳолатларда сотилмоқда. Бунинг устига, писта чақилган жойларда табиийки, тозалик, озодалик бўлмайди, атроф ифлосланади.

Иккинчи томони, писта чақаётганлар атрофдаги кишиларга тупук билан ўзларидаги микробларни тарқатмаётирлар, деб ким айта олади. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг санитария-эпидемиология назорати департаментидан олинган маълумотга қараганда, бир стакан писта чаққан одамнинг организмига бир квадрат метр асфальт йўлни «ялаганчалик» миқдорда микроорганизмлар тушар экан. Демоқчи бўлганим — киши танасига тушган ўша микроорганизмлар орасида ҳар хил юқумли касалликларни қўзғатувчи бактериялар йўқлигини ҳеч ким кафолатлай олмайди.

Назаримизда масаланинг яна бир муҳим жиҳати, писта чақишга ҳам кишининг қай даражада маданиятли эканлигини белгиловчи мезон сифатида қараш даркорга ўхшайди. Айтайлик, сиз бекатда анчадан буён автобус кутиб турибсиз. Ёнингиздаги киши эса атрофга тупук сачратиб тинмасдан писта чақаяпти, табиийки, бу ҳолатни кузатиб, ғашингиз келади, энсангиз қотади, ижирғанасиз, нима дейишингизни билмайсиз. У эса бепарво, писта чақишда давом этаверади, пўчоғи уюлганда уюлиб бораверади.

Бекатларда, бошқа жамоа жойларида писта чақиш камлик қилганидай, автобус, трамвай ва троллейбусларда ҳам бу «қилиқ»ни бемалол давом эттираётган айрим ёшларга дуч келасиз. Кечқурунлари ана шу транспорт воситаларининг салонига қараб бўлмайди — писта пўчоғи қат-қат. Нега шундай бўляпти? Нега бепарвомиз, бефарқмиз? Жамоатчилик, маҳалла-кўй, тартибни назорат қилувчилар қаёққа қараяпти? Агар, ҳар биримиз шу масалага эътиборни қаратиб, дуч келган жойда писта чақишга барҳам берсак, фаррошлар меҳнатини қадрлаган ва озодалик, саришталикка ҳисса қўшган бўламиз.

Каминани ушбу мақолани тайёрлаш жараёнида бир савол қизиқтириб қолди. Хўш, кунгабоқарнинг ватани қаер? Бу экин ҳосили кўп етиштирилаётган мамлакатларда ҳам кўчаларда санитария-гигиена қонун-қоидаларига зид ҳолда писта стаканлаб сотиладими? Маълум бўлишича, кунгабоқарнинг асл ватани Америка Қўшма Штатлари бўлиб, на бу мамлакатда ва на пистани кўп етиштирадиган бошқа давлатларда зинҳор-базинҳор кўча-куйда ана шу неъмат сотилмас экан. Уларда мойли экинлар орасида таркибидаги ёғ миқдори жиҳатидан юқори ўринда турадиган бу экин ҳосилидан саноат йўли билан киши организми учун фойдали, яхши ҳазм бўладиган ёғ олинади, яна ундан маргарин ишлаб чиқаришда, тиббиёт ва бошқа соҳаларда кенг фойдаланилади.

Энди шундай ўринли савол туғилиши табиий. Хўш, кунгабоқар фойдали экин экан, республикамизнинг айрим жамоа хўжаликларида аҳолининг шахсий томорқаларида кунгабоқар озмикўпми экилаётган экан, унинг ҳосилидан оқилона фойдаланиш — саноат йўли билан қайта ишлаб, турли маҳсулот олишни тартибга солиб бўлмайдими? Бўлади, албатта. Бунга эътибор ва қунт керак, холос. Ёғ-мой саноати корхоналари, кичик ва ўрта бизнес билан шуғулланаётган хусусий тадбиркорлар, ишбилармонлар, бу хайрли ишга дадил киришмоқлари, писта етиштириш билан шуғулланаётган жамоа хўжаликлари, фермерлар, шахсий томорқа эгаларидан ўзаро шартномалар асосида ҳосилни қабул қилиб, истеъмолчиларга ўта зарур бўлган ёғ ишлаб чиқаришлари, озиқ-овқат маҳсулотлари ва ҳолва сингари ҳар хил ширинликлар тайёрлашлари, кунжарадан чорвачиликда, ҳатто поясидан мебель саноатида фойдаланишлари мумкин-ку. Бу борада ҳали имконият эшиклари очилмаган.

Мухтасар сўзимиз, мадомики, азалдан катта майдонларда кунгабоқар ҳосилини етиштириб келаётган мамлакатларда кўча-хиёбонларда, дуч келган жойда писта чақилмас экан, бизда ҳам бу одатга барҳам бериш вақти етмадимикан? Қачонгача одоб-ахлоққа хилоф равишда жамоат жойларида, кўпчиликнинг кўз ўнгида атрофни ифлослаб, ёнимиздаги кишиларнинг ғашини келтириб бетиним писта чақамиз?!

Кўриб турганингиздек, муҳтарам муштарийлар, ўта жўн, ҳатто жуда майдадек туюлган бу муаммо замирида анчагина йирик масалалар ҳам ётибди. Ана шу масалаларни Сизнинг ҳукмингизга ҳавола этамиз. Бунга нима дейсиз?

■ **Ортиқали ТИЛОВБЕРДИЕВ**

КАДР

ЭЗГУЛИК МАНЗИЛИ

Қуёшга ўхшайди умримиз. Ёқут опанинг бутун ҳаёти газетамиз билан чамбарчас боғлиқ. У ўзининг ярим асрлик умрининг 30 йилдан зиёдроғини жонажон машинкаси ёнида ўтказди. Тилидан, қўлидан бировга ёмонлик етказмади. Машинкасида кўчирган асарлар, шеърлар, мақолалар каби барча-барчага севимли бўлиб қолаверди. Опанинг унвони ҳалоллик, ростгўйлик. Унинг юзларидан табассум аримайди. Опа учун ҳамма қадрли. Келинг укам, дея қарши оладилар, уйдагиларни, барча-барчани сўраб суриштирадилар.

Опани республикамизда кўзга кўринган журналистлар, олимлар, жамики зиёлилар жуда қадрлашади. Унинг оддийгина хонадонида китоб жавони бор. Бу китобларни кўз қорачиғидай асрайди. Бу унинг меҳнатлари эвазига тақдим этилган. У 30 йил ичида кимларнинг қалб олами билан ошно бўлмади. Игна билан қудуқ қазиган каби, том-том китобларни, минглаб мақолаларни машинкасида кўчирди. Беминнат меҳнати эвазига айтилган бир оғиз раҳмат, қўлингиз дард кўрмасин деган сўзни гадоси бўлди. Унинг меҳр булоғидан сув ичган нав-ниҳоллар, опани худди ўз оналари сингари қадрлайдилар, севадилар. Опанинг бир йилда, бир марта чиқадиган таътили, барчани ўйга толдиради. Чунки вилоят мухбирлари ўз хабарларини телефон орқали опага узатишади. Қулоғи телефонда, қўллари машинкада бўлган опа ҳам эшитиб, ҳам ҳис этиб мақолаларни кўчиради.

Опада мужассамлашган эзгулик, одамийлик, меҳрибонлик олдида ўзимни ҳамиша қарздордек сезаман. Бугун танқис бўлган мана шу туйғулар учун, уларнинг барчаси сизда борлиги учун таъзим қилгим келади. Опанинг баъзида қоралаб келган мақолалари билан танишар эканман, у кишининг дидига, илҳом билан қалам тебратишига ҳамиша қойил қоламан.

«Ўзбекистон овози» газетаси жонкуяр ходими Ёқутхон Холмуҳаммедова 50 ёшга тўлдилар. Меҳнатлари эвазига етиб келинган бу манзил йўлларини оқибат, меҳр чароғон этган. У кишининг бармоғини машинканинг ҳарфлари қучган. Юракларини эса ойнинг ойдин нурлари макон тутган. Ёқутхон опа сизнинг қалбингизда яшаётган туйғулар боқий бўлишини истаймиз.

■ **Фаррух ҲАМИДУЛЛО ўғли, Мафтуна МИНГБОЕВА**

ХИКМАТЛАР

* Ҳасадчига азоб шарт эмас, чунки у сенинг шодлигингни кўрганда ўз-ўзидан азобланаверади.

* Одамлар икки нарса билан тақдирланадилар; яхшилик қилган яхшилик билан, ёмонлик қилган ёмонлик билан.

* Гапирмай пушаймон бўлиш, гапириб пушаймон бўлишдан афзал.

* Насиҳат ҳақиқий даъво, ундан ичган одам ёқимсиз хулқлардан озод бўлади.

* Нарсаларнинг энг яхшиси одамга қилинган ҳадядир.

* Шарм ва ҳаё — фазилатларнинг энг улуғи.

* Ростгўйнинг ҳамиша юзи ёруғ, дили шод бўлади.

* Энг яхши нарсалардан бири, олис йўлга чиққанда муносиб дўст билан қурилган суҳбатдир. Ёқимли дўст суҳбати олис йўлни яқин қилади.

* Чўққига чиқиб харсангтош қулатиш — бировнинг миннатини кўтаришдан енгилроқ.

ИСТЕЪМОЛЧИ ҲУҚУҚИ

Фарғонада истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жамоатчилик ташкилотларининг аҳамияти мавзуида минтақавий семинар бўлиб ўтди. Анжуманда фуқароларнинг истеъмолчи сифатида ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қобилиятларини ошириш, бунда ҳуқуқ-тартибот идоралари, давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликни кучайтириш муҳим вазифа эканлиги таъкидланди.

■ **Алишер ИБОДИНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

«Иккиламчи қора металл» давлат унитар корхонаси

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида ишлаш учун «Е» тоифасидаги ҳайдовчиларни ва малакали газ билан қирқувчиларни ишга қабул қилади. Маош ишбай бўлиб, 50 минг сўмдан зиёд. Командировка ҳараражатлари тўланади.

Манзил: 700154, Тошкент ш. Сирғали тумани, Саноат ҳудуди, 75-автобуснинг охирги бекати. Кадрлар бўлими. Телефонлар: 58-91-25, 58-75-94, 58-81-33.

«Унитош-Керамика»

қўшма корхонаси Низом жамғармаси миқдори камайганлиги-ни эълон қилади.

«Лаззат-94» ҳиссадорлик умумий овқатланиш корхонасига Тошкент вилоят ҳокимияти адлия бўлимидан берилган № 159 сонли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

«Олимкент» ҳиссадорлик жамиятига Тошкент вилояти ҳокимияти адлия бўлимидан берилган № 162 сонли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАРИ

«Соғлом авлод» йили муносабати билан Қаршида шаҳар ҳокимлиги маданият, халқ таълими бўлимлари ҳамда «Камолот» ёшлар жамғармаси шаҳардаги 10-болалар боғчасида «Ҳаваскор қўғирчоқ театри» жамоалари кўрик танловини ўтказди.

Танловда шаҳардаги мактаб ва боғчалар жамоалари қатнашди. Бунда 23-ўрта мактаб ўқувчилари томонидан «Вали ботир», 10-боғча жажжилари томонидан «Ур тўқмоқ», 11-мактаб болалари томонидан «Бўғирсоқ» ҳамда 11-боғча кичкинтойлари томонидан «Ростгўй хўроз» каби асарлар ижро этилди.

Танловда 1-ўринни 23-ўрта мактаб ўқувчилари ва 10-болалар боғчаси тарбияланувчилари эгалладилар.

Болалар кулгуси, шодлик дунёси деганлари шу бўлса керак.

■ **Ҳусниддин ЗАЙНИДДИН ўғли**

БОРМИСАН, МАҲАЛЛАДОШ!

Фарғонада янги ташаббусга қўл урилди. «Маҳалла» хайрия жамғармаси вилоят бўлими тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда «Маҳалла футболи» кубоги учун мусобақалар уюштиришга қарор қилди. Ўйинлар икки босқичда ўтказилади. Дастлаб шаҳар ва туманларда, кейин вилоят миқёсида учрашувлар бўлади. Бундай футболда 18 ёшдан ошган йигитларнинг майдонга тушиши кўзда тутилган. Баҳслар ФИФА қоидаларига мувофиқ уюштирилади. «Маҳалла» хайрия жамғармаси вилоят бўлими ғолиб жамоаларга муносиб совғалар ҳозирламоқда. Мухбиримиз **Алишер Ибодинов**нинг ёзишига қараганда «Маҳалла футболи» кубоги учун мусобақалар ўтказилиши ҳақида вилоят ҳокимлиги қарор қабул қилган. Мақсад — футболни янада оммавийлаштириш, соғлом авлодни тарбиялашдан иборат.

АООТ «ОПЫТНО-ТЕХНИЧЕСКИЙ ЗАВОД» ИЗВЕЩАЕТ О ПРОВЕДЕНИИ ОБЩЕГО СОБРАНИЯ АКЦИОНЕРОВ 6 МАРТА 2000 ГОДА В 11⁰⁰ ПО АДРЕСУ: г. ТАШКЕНТ ул УЙГУРА, 103

ПОВЕСТКА ДНЯ:

— Утверждение отчета о финансово-хозяйственно деятельности АООТ за 1999 год.
— Утверждение отчета ревизионный комиссии.
— Утверждение годового баланса и заключения аудиторской проверки.
— Утверждение порядка распределения прибыли и начисления Дивидентов
— Разное.

БАЛАНС АООТ «ОПЫТНО — ТЕХНИЧЕСКИЙ ЗАВОД» НА 1.01.2000 ГОДА

(Тыс. сум.)

Наименование статей	актив	пассив
1. Долгосрочные активы	2005	
2. Оборотные активы	18049	
в т.ч. производственные запасы	5821	
Готовая продукция	1130	
Расходы будующих периодов	365	
Денежные средства	7961	
Обязательства к поступлению	2772	
3. Уставной капитал		2166
4. Нераспределенная прибыль		11485
5. Целевые фонды		1046
Итого собственный капитал		14697
6. Обязательства к платежу		5357
БАЛАНС	20054	20054

НАБЛЮДАТЕЛЬНЫЙ СОВЕТ

БОШ МУҲАРРИР
Азим СУЮН

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Қозоқбой ЙЎЛДОШЕВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Алимқул СУЛТОНОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Бахтиёр ҲАМИДОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

МУАССИС:

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:

Сиёсат — 133-20-36
Иқтисодиёт — 133-76-04
Маънавият — 133-07-20
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-12-56, 136-55-16
Ахборот — 133-12-56
Котибият — 133-21-43
Факс — 133-47-80,133-38-55, 133-73-43, 133-06-83

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 222-70-12;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 136-12-56;
Урганчда — 226-51-35;
Фарғонада — 26-46-84;
Қаршида — 4-61-35;
Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ:

700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи
Фаррух ҲАМРОЕВ

Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Саҳифаловчи-дастурчи
Бахтиёр ЖУМАНОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: *Буюк Турон кўчаси, 41-уй.*

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00004
Газета офсет усулида, А—2 форматида босилди.
Ҳажми 2 босма табоқ.

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 092

Топшириш вақти -- 21.00.
Топширилди -- 23.00

1 2 3 4 5 6

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА